



Бугуннинг гапи

Адолатли жамият қурилиши йўлидаги дадил қадам



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси

“Адолат” социал-демократик партияси конституциявий ислохотларни амалга оширишда ўзининг дастурий вазифалари ва сайловчиларнинг сиёсий иродасига таянади. Партиянинг асосий мақсади, ўз уставда белгилангани каби, ҳуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшайтган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, маънавий жиқлашган жамиятни тараккий топтиришда фаол иштирок этишдир.

Конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишлари ва “Адолат” социал-демократик партиясининг вазифалари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг самарали амалга оширилиши халқимизнинг орзу-истаклари ва талаб-эҳтиёжларини тўлақонли ифодалайди.

“Адолат” СДП эркин ва адолатли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. Шундан келиб чиқиб, амалдаги Асосий қонуниимизнинг тегишли боб ва моддаларини замон талаблари асосида такомиллаштиришга қаратилган тақрифлар ва тавсияларни илгари суради.

Фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини юксалтириш, уларни халқимиз ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатлари ифодачиси ва химоячисига айлантириш долзарб вазифалардан биридир. Шу сабабли, **Бош қомусимизда фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ нормаларни мустақамлаш ва амалдагиларини такомиллаштириш даёр талабидир.**

Партияимизнинг олдида турган, ҳал этилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифалар бу — Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини ривожлантириш, халқимизнинг, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларни она-Ватанга, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида, адолатли инсон қилиб тарбиялашдир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш юксак сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданият соҳибид бўлган комил инсонни шакллантиришни тақозо этади. Ўзларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, эркинликлари қаторида, бурч ҳамда мажбуриятларини чуқур англаган эркин шахслар юртимиз тараккиёти таянчи ва пойдеворидир.

Ҳуқуқий билим ва маданиятнинг даражаси миллатнинг етуқлиги ҳамда инсон баркамоллигининг энг муҳим мезони ҳисобланади. Халқнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси қанчалик баланд бўлса, жамиятнинг маърифийлик борасида эришган кўрсаткичи шунчалик салмоқли бўлади.

Биз ҳуқуқий таълим-тарбия натижасида қуйидаги мураккаб вазифалар ҳал этилади деб ҳисоблаймиз: биринчидан, таълим олувчиларда ўзини ва бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш, амалий фаолиятда олинган ҳуқуқий билимларни мустақил татбиқ қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; иккинчидан, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ фақат қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш йўл-йўриқларини шакллантириш; учинчидан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз бўлиш фазилатини тарбиялаш. Ана шундагина олинган ҳуқуқий билим ҳар қандай шароитда фақат қонунга монанд ҳаракат қилишга қатъий одатланиш тизимини яратишга, ҳуқуқбузарликка қарши жадал кураш олиб боришга хизмат қилади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси эркин камол топишига оила, маҳалла, мактабгача таълим, мактаб, олий таълим шакллари, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари бирдек масъул. Шу боис ёш авлод тарбияси ўзаро узвий боғлиқ бўлган масалаларни тизимли равишда ҳал этишни тақозо этади.

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



ҚОНУНЛАРНИ МУКАММЛАШТИРИШ ҲАЁТ ТАЛАБИ

УСТОЗ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАЙЛИК

“Adolat” газетасининг 2022 йил 3 июндаги 21-сониди эълон қилинган журналист Муҳиддин Омад қаламига тегишли “Ўқитувчини қачонгача айблаймиз?” номли мақолани ўқиб, унда бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳақида сўз юритилганлигига гувоҳ бўлдим.

Дарҳақиқат, ўқитувчилик энг машаққатли касблардан бири ҳисобланади. Шаритатимизда устозга — илм пешвосига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш кераклиги уқтириб ўтилган. Бундай эътибор давлатимиз сиёсатида ҳам ўз аксини топиб келмоқда. Хусусан, давлатимиз етакчиси ҳам ўқитувчи ва мураббийларнинг заҳматли меҳнатларини доимо қадрлаб, уларга мақбул шарт-шароитлар яратиш, меҳнатига яраша рағбатлантириш борасида қўллаб-қувватлаётган ва фармонлар чиқариб келмоқдалар. Бу бежиз эмас. Чунки бу ҳаётда ўқитувчи, мураббий, устозлик макомидан устун келадиган ҳеч бир мақом йўқ. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳамма ҳам ўқитувчи-устоздан таълим-тарбия олган ва шунинг сабабидан касб-ҳунари, мартаба эгаси бўлган.

Динимиз инсонларни икки дунё саодати бўлмиш илмга тарғиб қилади. Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васалламга нозил қилинган дастлабки оятда Аллох таоло “Ўқи!” деб амр қилган. Аллох таоло каломининг 800 дан кўпроқ ояти карималарида илм ҳақида сўз юритилган. Жумладан, “Мужодала” сурасида “...Аллох сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (ба-

ланд) даража(мартаба)ларга кўтарур”, деб марҳамат қилган.

Ушбу оятдан кўриниб турибдики, илми кишиларнинг мартабаси Аллох таолонинг ҳузурда ҳам юксакдир. Қўллаб-қувватлаётган ҳам илмга тарғиб қилинган. Шу боис илм пешвоси бўлмиш устозларга паҳлос билан қарашимиз, уларни беҳурмат қилишимиз мулақо нотўғридир. Улуғларимиз олим бўлиб, олим бўлмасанг, таълим олувчи бўлиб, таълим олувчи бўлмасанг, тингловчи бўлиб, тингловчи бўлмасанг, олимларга муҳаббатли бўлиб, охиригиси, яъни ёмон кўрувчиси бўлма, иймондан айрилсан, дейишган.

Шундай экан, барчамиз илмга рағбат қилиш билан биргаликда устозларга меҳрибон, маддакор бўлайлик. Ҳаётимизда бўлиб ўтаётган турли салбий воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси илмсизлик оқибати-дир. Илмсиз одам хато қилса, кечирishi мумкин. Лекин устоз кўриб, мартабага эришган одам устозларга ҳурматсизлик қилса, ноқўрлик қилган бўлади.

**Ҳошимжон ҚОРАБОЕВ,
Косонсой туманидаги “Исломобод”
жомеъ масжиди имом хатиби**

Машҳурларнинг аёллари



Санъаткорнинг умр йўлдоши САБРЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

Олтириқ туманининг сўлим гўшаларига мафтун бўлиб борар эканмиз, машина елдек учиб кетаётган йўлларга қараб ҳамроҳимиз — тадбиркор Абдухалил ака Маматов изох бера бошлади:

— Мана шу кўчани Охунжон Мадалиев асфальт қилдирган!
— Кўприкни кўраёйсизми? Буни ҳам раҳматли Охунжон қурдирган!

— Анави “Оталар чойхонаси”да дам олаётган кексалар хамиша унинг руҳи покига тиловат қилишади. Чунки бу чойхонани ҳам Охунжон қурдирган!

— Бу томонга қаранг, синглим, қишлоққа кўрқ бағишлаб, мевалари қишлоқ аҳлига ризик насиба улашаётган бу боғни кўринг! Бокка қирган ҳар бир кишининг унинг турфа хил меваларидан, жаннатмонанд гўзаллигидан завқланиб, бахри-дили очилади. Кекса бир ота-хон билан суҳбатлашганимда: “Охунжон 37 йил умр кўрди, аммо 100 йил яшаган инсон қила олмаган савобли ишларни қилиб кетди”, деган эди.

...“Бунёдкор МФЙ, Охунжон Мадалиев кўчаси, 55” деган сўзлар битилган оппоқ рангли хонадоннинг очик дарвозасидан овоз берар эканмиз, ўзбек халқининг буюқлигидан, унинг фақат инсонларга яхшилик улашиб яшагучи фарзандлари икки дунё саодатига мушаррафлигидан қалбимиз ишончга, фахр-ифтихорга лим-мо-лим эди. Ичкаридан истараси иссиқкина аёл — **ҲАБИБАХОН ОПА МАДА.ПНЕВА** чиқиб, кўлини кўксига қўйиб сўради, уйга тақлиф қилди. Кенг ва катта ховлининг гир айлана солинган тўрт томондаги кийди оқ рангда. Гўёки хонадон эгаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат” медали соҳибиди, бу қишлоқдаги, таъбир жоиз бўлса, Олтириқдаги ҳар бир кишининг саховатли қахрамонига айланган Охунжон Мадалиевнинг қалби янглиг тоза, кенг ва оппоқ.

Тақлиф

**Қарор лойиҳаси
ХАЛҚ МАНФААТИГА
ХИЗМАТ
ҚИЛАДИМИ?**

Ховлиларда сув, иситиш тизими газ ёки электр энергияси, баъзан иккаласи ёрдамда амалга оширилади. Натижада яқка тартибдаги хонадонларда ва кўп қаватли уйлардаги квадрат метри катта бўлган квартираларда яшовчи 10-15 кишилик абонентлар электр энергия ва табиий газ истеъмолини тежашга қанча ҳаракат қилсалар ҳам белгиланган базадан ортқ сарфлашга ва ортқча маблағ тўлашга мажбур бўладилар. Бу эса аҳолининг турли қатламлари ўртасида электр ва газга ҳақ ундиришда, ҳақиқатан ҳам тенгсизликни, адолатсизликни келтириб чиқаради. Шунинг учун, агар бундай базавий норма ва табақалаштирилган нарх қабул қилиниши зарур бўлса, бу тенгсизлик ва адолатсизликни бартараф этиш керак. Яъни, базавий нормани абонентга эмас, одам сонига қараб белгиланган керак ёки хонадонлардаги ҳар бир оилани алоҳида абонентга айлантириш шарт.

Фундаментал ҳуқуқлар ҳимояси учун муҳим

Мамлакатимиз Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш жараёни тобора қизгин тус олмақда. Жамиятимизда ўзига хос фаол ижтимоий-сиёсий муҳит юзага келди.



Кутубиддин БУРХООНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Мен ҳам, фурсатдан фойдаланиб, ўз таклифимни билдирмоқчи эдим. Бунда «**Инсон кадри учун**», деган устувор тамойилдан келиб чиқилган. Инсон кадри деганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Таклиф билдиришимда мен таянадиган яна бир асос «**Инсон – жамият – давлат**» тамойилидир. Яъни, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида жамият ҳам, давлат ҳам авваломбор инсонга, унинг манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Менинг таклифларим жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш жиноят ишини юритиш учун масъулиятли бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилган.

Ҳамама газетхонларга, яъни юрдошларимизга тушунарли бўлиши учун гап ушлаб турилган, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳақида кетаётганини таъкидлаш жоиз. Ана шу талаб Бош қомусимизда ҳам аниқ, қисқа тарзда акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи таклифим шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси

Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасида қайд этилган нормани Конституцияда акс эттириш зарур. Яъни, ушлаб туриш мuddати шахс амалда ушланган пайт(эркин ҳаракатланмишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти)дан эътиборан қирқ саккиз соатдан ошмаслиги керак.

Ушланган пайт эса фуқаро ҳужжати текшириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходими тўхтатган дақиқадан ҳам бошланishi мумкин. Шунинг учун ҳам ЖПКнинг 226-моддасида баён этилган нормани, яъни ушлаб турилган гумон қилинувчининг айби 48 соат ичида тасдиқланмаса, унга нисбатан айб эълон қилинмаса ва эҳтиёт чораси қўлланилмаган бўлса, тезлик билан озодликка чиқариш масаласи Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

Кейинги таклифим айбсизлик презумпцияси тамойилини Асосий қонунимизда акс эттириш билан боғлиқ. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас. Конституциямизга Миранда қоидаси талабини ҳам синдириш керак, деб ҳисоблайман. Токи ҳибсга олинган шахс сукут сақлашга ҳақлигини билсин. Шунда у айтган гаплари судда ўзига қарши қўлланиши мумкинлигини тушунади. Ушбу қоидага мувофиқ, маҳбусга яна сўроқда унинг адвокати иштирок этиши мумкинлиги, адвокат тўловини қила олмаса, унга давлат томонидан адвокат бе-

рилиши тушунтирилиши, ўз адвокатига ёки яқинларига бир марта кўнгирок қилиш имкони берилиши шарт.

Конституцияда айбланувчига айбловнинг моҳияти ва асослари ҳақида хабардор бўлиш, унга қарши кўрсатма берган гувоҳлар билан юзлаштириш, унинг фойдасига кўрсатма бераётган гувоҳларни чақиртиришни талаб этиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини мустаҳкамлаш лозим. Чунки бу ҳам инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари доирасига қиради.

Айблагша оид барча шубҳалар, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклигини конституциявий қоида сифатида белгилаш зарур.

Президентимиз таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб берди. Халқимиз демократик ислохотлар йўлида қатъий одимламоқда ва бу йўлдан ҳеч қачон ортага қайтмайди. Бизнинг таклифларимиз «Инсон кадри учун», деган ҳаётбахш, улғурғоя, мустаҳкам тамойилга, демократик жараёнлар ривожига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Маълумки, Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган, фуқароларнинг манфаатлари, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари тажрибасидан маълумки, Конституция қанчалик мукаммал ишлаб чиқилган бўлмасин давр билан ҳамнафас ва уйғун равишда доимий такомиллашиб борадиган ҳужжатдир. Жамият тарихий ривожланишининг барча босқичларида бирдек хизмат қиладиган абадий Конституция йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бош қомусга эга бўлган дунёнинг деярли барча мамлакатлари Конституциялар турли тузатиш, тўлдириш ва ўзгартишларга дучор бўлган. Бу эса замонавий Конституцияларнинг фундаментал хусусияти ҳисобланади.



Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
сиёсий фанлар доктори

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ — МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛ

Хусусан, сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 га яқин мамлакатлари конституциявий ислохотлар ўтказилди, жумладан, 50 дан ортқ давлатда янги конституция қабул қилинди. Масалан, конституциявий ривожланиш борасида катта йўлни босиб ўтган Франция тарихига назар ташласак, бу ерда 1789 йил, яъни Буюк Француз инқилобидан то шу пайтга қадар 20 мартадан зиёд конституциялар қабул қилинган кўраимиз. Ушбу мамлакатда энг сўнгги Асосий қонун 1958 йилда қабул қилинган бўлиб, унга ҳам ўтган салкам 65 йил мобайнида тадрижий равишда кўплаб ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Ёки илк қомуслардан ҳисобланган АҚШ Конституциясини олайлик. Унга ҳам шу кунга қадар 27 марта ўзгариш киритилган, энг сўнгги конституциявий ислохот 1992 йилда амалга оширилган. Шунингдек, Норвегия, Нидерландия, Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон каби мамлакатларнинг Асосий қонунларига сўнгги йилларда замон билан ҳамнафас равишда кўплаб ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Дунёдаги ушбу ўзгаришлар, энг аввало, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талаблари, хусусан, давлат ва жамиятнинг модернизация қилиш ёхуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларга йўл қўймаслик, экология ва атропо-муҳит муаммолари, «яшил» тараққиёт, ахборотлашган жамият ва электрон ҳукумати шакллантириш, рақамли иқтисодиётни барпо этиш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш, инсон ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини аниқлаш, келажак авлод ҳуқуқларини таъминлаш каби масалалар билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан халқимизга йўлдан таърифта Асосий қонунимизни тақомиллаштириш зарурлиги ҳақидаги фикрларини сургани аниқ мудоаодир. Ушбу таклифни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг жорий йил 20 майдаги қўшма қарори асосида Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилди ҳамда унинг таркиби ва вазифалари белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз раҳбари таклиф қилаётган конституциявий ислохотни давримизнинг ўзи такозо этмоқда. Зеро, бундай ислохотлар истиқболдаги тараққиётимизнинг зарур шарти бўлиб, дунёда кечаётган глобаллашув жараёни, иқлим ўзгаришлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши, мамлакатимизни модернизация қилиш ва миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ ўша муҳим вазифалар уни объектив заруратга айлантирмоқда.

Конституциямизга киритиш таклиф этилаётган ўзгаришлардан бири «Ижтимоий давлат» принципини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш масаласидир. Шундай экан, аввало, ижтимоий давлатнинг ўзи нима, унинг қандай белгилари бор ва функциялари нималардан иборат, нима учун ушбу тамойилни мамлакат Конституциясига муҳрлаб қўйиш зарур, бу борада хоржий таъриба нима дейди,

деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ижтимоий давлат – бу давлатнинг шундай моделики, унда ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, жамиятдаги ижтимоий тафовутларни юмшатиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам бериш мақсадида моддий бойликларни қайта тақсимлашга қаратилган сиёсат юритилади.

Мухтасар айтганда, давлат ўз фуқароларига ғамхўрлик қилишга масъулият билан ёндашиши шарт. Зеро, ижтимоий давлат бу бозор иқтисодиёти шариоитида ўз фуқароларига муайян даражада фаровонликни кафолатлайдиган давлатдир. Бундай давлатда жамиятнинг ҳар бир эҳтиёжманд аъзосини ҳеч қандай истисносиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими қарор топади, давлат фуқаролар фаровонлигининг муайян даражаси учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

«Ижтимоий давлат» тушунчасини илк бор 1850 йилда немис иқтисодчи олими ва давлат арбоби Лоренс фон Штайн муомалага киритган. У давлатнинг муҳим функциялари рўйхатида «турли хил даражадаги барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий ҳуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаш»ни ҳам киритади. Лоренс фон Штайннинг фикрича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўйиши лозим. Зеро, пировард натижада улардан бири (инсон)нинг ривожланиши, иккинчиси (давлат)нинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган ижтимоий қатламларни бой ва кучлилар даражасига кўтаришга ҳаркат қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий давлатнинг белгилари қуйидагиларда намоён бўлади: БИРИНЧИДАН, аҳолининг даромадларини йирик мулкдорларга зарар етказмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси таъминланади;

ИККИНЧИДАН, бундай давлатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳамда фуқаролик жамияти қарор топади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тармоғи яратилади, давлат томонидан турли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шариоити, ижтимоий таъминот ва шахсий жамиятда ўз ўрнини топиши учун бирламчи зарурий шариоитлар кафолатланади, ижтимоий сугурта бадалларининг ривожланган тизими жорий қилинади, бюджетни шакллантириш соликларининг ва ижтимоий соҳага тўловларининг муайян миқдори таъминланади;

УЧИНЧИДАН, ижтимоий давлатда аҳолининг барча қатламлари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишининг ривожланган тизими йўлга қўйилади, ҳокимиятнинг бўлинишини ва давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи ўз функцияларини аниқ амалга оширишни таъминловчи ривожланган ҳуқуқ тизими яратилади.

Ижтимоий давлатнинг функциялари ҳам ўзи хош бўлиб, аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ишсизликка қарши курашиш, ёш тадбиркорларга ёрдам, аҳоли даромадларининг доимий ўсишини қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий

ривожланиши таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, ижтимоий сугурта тизимини кенг йўлга қўйиш, имтиёزلарни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шариоитини яратиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш шулар жумласидандир.

Бу борада хоржий таърибасига мурожаат қилсак, халқаро сиёсий ва ҳуқуқий тизимларда ижтимоий давлат икки хил, яъни билвосита ва бевоисита кўринишда ўз ифодасини топганини кўришимиз мумкин. Билвосита кўринишда «фаровонликни таъминловчи давлат» ёки «умумфаровонлик ва хуррамликни таъминловчи давлат» каби тушунарли орқали ижтимоий давлат тамойили Буюк Британия Конституциявий актида, Италия Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бевоисита кўринишда эса «ижтимоий давлат» тушунчаси 1949 йилги Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Германия «демократик ва ижтимоий федерал давлат» деб эълон қилинган. Шунингдек, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида «бўлимас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика», Испаниянинг 1978 йилги Конституциясида эса «ҳуқуқий, демократик, ижтимоий давлат» тамойили ўз ифодасини топган.

Асосий қонунларда «умумфаровонлик давлати», «фаровонликни таъминловчи давлат», «ижтимоий давлат» тушунчалари қўлланилган қўллаб мамлакатлардан фарқи ўлароқ, Россиянинг Конституциясида ушбу тамойилнинг мазмуни қуйидагича ифодаланган: «Россия Федерацияси – сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаётга ва эркин ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шариоитлар яратилишга қаратилган ижтимоий давлатдир».

Таъкидлаш жоизки, гарчи «ижтимоий давлат» тушунчаси шу пайтга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида ўз аксини топмаган бўлса-да, ҳозирги кунда мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган халқчил ва инсонпарвар сиёсатнинг мазмун-моҳияти ана шу тамойилга тўлиқ мос келади. Зеро, уларнинг замирида хазрати инсон омили ётади.

Чунончи, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг қарийб 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. «Давлат инсонга хизмат қилиши даркор», «инсон қадри ҳамма нарсадан устун», «одамларнинг розилигини таъминлаш – ҳар бир давлат хизматчисининг бурчи» каби гоғлар замирида ҳам ана шу дастуриламал тамойил ётганини кўраимиз.

Бугун ҳаётимизга «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» каби ижтимоий ҳўмонинг дунёда муқобили йўқ бекиёс кафолатли тизими яратилгани, бу тушунарларнинг кириб келиши орқали эҳтиёжманд, кам таъминланган ва қўмакка муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар турмуш тарзида туб ўзгаришлар бўлаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу давлатимизнинг ўз фуқаролари ҳаёти, бугун ва эртаси учун бефарқ эмаслигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Шу боис, «Ижтимоий давлат» тамойилини янгиладиган Бош қомусимизда муҳрлаб қўйиш ҳақидаги таклиф мантиқан тўғри гоғ бўлиб, у бир томондан, жаҳондаги илғор мамлакатларнинг конституциявий таърибаларига, иккинчи томондан эса, ҳозирги кунда давлатимиз юрифтаётган ижтимоий йўналтирилган, халқчил ва инсонпарвар сиёсатга тўлиқ мос келади.

Адолатли жамият қурилиши йўлидаги дадил қадам

1 Мамлакатимизда ёшлар, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасида муайян саъй-ҳаракатлар, самарали тадбирлар амалга ошириб келинди. Бу борада яратилган қонунийлик халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, халқаро ҳамжамият миқёсида умумэътироф қилинган стандартларга тўла-тўқис мос.

Айни пайтда ёшлар ва болалар ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг изчил ва ишончли кафолатларини яратиш халқаро миқёсдаги долзарб масалалардан биридир. БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 20 ноябрда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияни қабул қилди. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси парламенти ушбу конвенцияга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Конвенция 54 моддадан иборат бўлиб, унда болаларнинг энг зарур ва муҳим иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Унда болалар ўз исмига, фуқаролигига эга бўлишдан тортиб, то тиббий-санитария ёрдами билан таъминланиш ва билим олишгача бўлган кенг ҳуқуқ ҳамда эркинликларга эга бўлишлари лозимлиги мустаҳкамланган.

Мазкур конвенциянинг муҳим принциплари қоидаларига мос сиёсат юритиш, изчил ҳуқуқий стратегияни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли ҳуқуқий-ташкилий, маъмурий-ҳўжалик ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларнинг ҳали татбиқ этилмаган жиҳатларини миллий қонунийликимизда мурассамлаш ўтказилаётган конституциявий ислохотларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Партиянинг муҳим вазифаларидан яна бири, бу – жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш ва коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини илгари суриш, адолатнинг бўзилишига олиб келадиган иллатлар, хусусан, коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш ва коррупцияга қарши курашишни кенг тарғиб қилиб, бу борада мансабдор шахсларни, омма, шу жумладан, ёшларни ҳамкорликка чақиртириш ишларини олиб боришдан иборат.

БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ЕХХТ, Европа Кенгаши, ЕИ, ФАТФ каби халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши кураш соҳасидаги бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қураб қилинган. Булар ичида БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (БМТ

Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган), БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган) умумэътироф этилган ҳужжатлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш соҳасига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар имплементация қилинди ҳамда 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Эндиги вазифамиз коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини аниқлаштирувчи қоидаларни қонунийликимизда ифодалашдан иборат.

«Адолат» СДП коррупцияга қарши курашнинг ҳар бир инсон, умуман, жамият ҳаёти ва тараққиёти учун долзарблиудан келиб чиқиб, Конституцияда коррупциянинг олдини олиш, уни бартараф этиш, аҳоли онанда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган қоидалар ўз аксини топиши лозим, деган нуқтаи назарни илгари суради.

Жамиятда адолатли меҳнат муносабатларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат ва бандлик масалаларига, хусусан, мажбурий меҳнатга қарши курашишга, болалардан оғир меҳнатда фойдаланишни тақиқлашга оид, дискриминация ҳақидаги, меҳнатга яраша ҳақ олиш ва оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро меҳнат конвенцияларига оғишмай амал қилиш чораларини кўриш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва қулай меҳнат шарт-шариоитларини яратишда иш берувчи ва ходимларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш «Адолат» партиясининг дастурий вазифаларидан бири саналади.

Конституциявий ислохотлар самараси ўлароқ, мажбурий меҳнатда фойдаланишни тақиқлаш, меҳнатга яраша ҳақ олиш ва оналикни ҳимоя қилиш масалалари принциплар сифатида Конституцияда мустаҳкамланишини тақозо этади.

Умуман олганда, «Адолат» социал-демократик партияси конституциявий ислохотлар инсон, жамият, давлат тамойилни ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ рўёбга чиқарилишига эришиш, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мурассамланган қоидаларнинг Конституцияда теран ифодаланишига эришиш, шу орқали Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш йўлида баҳамжиҳат саъй-ҳаракат кўрсатади.

ҚОНУНЛАРНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ ҲАЁТ ТАЛАБИ

1 Унда фракция аъзолари “Пробация тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Йиғилишда суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш, озодликни чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва мажбурий жамоат ишлари жазоларини ижро этиш, шунингдек, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устувида назорат қилишни тартибга солиш ва мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш ҳамда пробация назоратини амалга ошириш, пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича тадбирларни белгилаш ҳамда амалга оширишни ўз ичига оладиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш зарурати мавжудлиги таъкидланди.

Қонун лойиҳаси билан пробация тизимининг умумий қоидалари, пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, пробация на-

зорати шаклини қўллаш тартиби, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини баҳолаш мезонлари, пробациянинг ижтимоий мослаштириш тарзидаги шаклини қўллаш тартиби, пробация соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилмоқда.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши натижасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атвори ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш бўйича таъсирчан ва самарали тизим яратилишига эришилади.

Шунингдек, фракция йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Маърузада таъкидланганидек, сўнги йилларда аҳоли пунктларини кукаламзорлаштириш, дарахт ва бута-



ларни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш, уларни сақлаб қолиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон фармони ҳамда 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон фармони билан дарахтлар кесилишининг олдини олиш мақсадида мораторий жорий этилишига қарамасдан айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси

объектларига бўлган тажовузкор ҳаракатлари, шу жумладан, дарахтларни ноқонуний кесиб билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига ва жамоатчилиқнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлиги фракция аъзолари томонидан қайд этилди.

Қонун лойиҳаси билан дарахт ва буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесганлик, қундаков қилганлик,

шикастланганлик, йўқ қилганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жарима миқдорларини ошириш, маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш чораларини белгилаш, дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиб, қундаков қилиш, шикастланган ёки йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки бундай жойлар учун қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

Шу билан бирга, йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш органларини акредитациядан ўтказиш тўғрисида”ги ҳамда “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва мулоҳазалар билдирилди ҳамда кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорларини қабул қилинди.

Депутатлик гуруҳларида

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Халқ билан мулоқотни янада самарали олиб бориш мақсадида депутатларимиз мунтазам равишда фуқаролар билан мулоқот қилиш орқали маҳаллалардаги ҳақиқий ахволни ўрганиб, муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришмоқда. Зеро, аҳолининг фикр-таклифларини эшитиш, муаммоларини ҳал этиш бизнинг вазифамиздир.

Жумладан, депутатлик гуруҳимиз аъзоси Ҳаққул Эшимов “Шайхали” МФЙ сайловчилари билан белгиланган режа асосида мунтазам учрашувлар ўтказиб келаяпти. Депутатимиз ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар юзасидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида мутасадди идораларга 15 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборди. Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан ҳозиргача маҳалланинг 4 километрдан зиёд ички йўллари асфальт қилинди. Фуқаролар талаби асосида шаҳардаги йўл қурилиш идораси ва ободонлаштириш бўлими ҳамкорлигида 1,5 километр ички йўللарга шағал ётқизилди. Шунингдек, фуқаролар мурожаати асосида депутат маҳалла ҳудудига чиқиндиҳона ўрнатилишига бош-қош бўлди.

Ўтган йил декабрь ойида депутат Ҳаққул Эшимов фуқаролар билан юзма-юз мулоқот уюштирганида маҳалла ахли болалар ўйингоҳига эҳтиёж борлигини билдирган эди. Депутат масъулларни жалб этган ҳолда маҳаллада болалар ўйингоҳи майдончаси ишга тушишига ўз хиссасини қўшди. Бундан ташқари, шу йил 10 февраль кунги очик мулоқотда кўпчилик фуқаролар хонадонларда газ босими пастлигидан шикоят қилишди. Депутат уйма-уй юриб, ҳақиқатдан ҳам газ босими паст эканлигини аниқлади ва Қарши шаҳар газ таъминоти қорхонаси билан келишган ҳолда, Қашқадарё гишт санвати МЧЖга қарашли юқори босимли газ линияси орқали мингдан ортиқ хонадонларга газ таъминотини яхшилашга ёрдам берди.

Депутатлик гуруҳимизга шу йил 20 март кун “Шайхали” МФЙ хотин-қизлари тикув машинаси олишга ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилди. Депутат мурожаатни ўрганиб, маҳаллада 26 нафар аёлга

тикув машинаси олиб беришга эҳтиёж мавжудлигини аниқлади. Унинг беминнат кўмаги туфайли ўтган ой бошида Назокат Авазова, Мунира Курбонова, Зубайда Нурматова, Шоҳсанам Фаизиева, Хуснора Ойназарова каби 26 нафар уйда ўтирган ишсиз хотин-қизларга тикув машинаси олиб олиб берилиб, бандлиги таъминланди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари йил бошидан ҳозиргача 20 та маҳалла, 22 та қорхона, 16 та ташкилот ва 25 та таълим муассасаларига ташриф буюриб, “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси” устувор йўналишлари доирасида “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш вазифалари” мавзусида маърифий тадбирлар ўтказди. Учрашувларда Тараққиёт стратегиясининг маънавий ривожланиш масалаларига қаратилган 5 та устувор йўналишига доир мақсад ва вазифаларни бажариш ҳақида тушунчалар, тавсиялар берилди.

Партиянинг “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” лойиҳаси асосида шаҳар кенгаши ва депутатлик гуруҳимиз аъзолари жорий йил февраль-март ойларида Қарши шаҳридаги 30 яқин умумтаълим мактабларидаги ахволни ўргандик. Ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам борлигини аниқланди. Урганишларимиз натижасига кўра ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар юзасидан тегишли маълумотлар тайёрлаб, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг апрель ойида бўлиб ўтган сессиясига масала киритилди. Сессия қарорига асосан шу кеча-кундузда мактаблардаги тўғриликлар иши, спорт анжумани таъминоти ва бошқа камчиликлар бартараф этиляпти. Депутат Ҳаққул Эшимов



Наврўз байрами кунлари Шайхали шаҳарчасида истиқомат қилаётган 42 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Депутатлик гуруҳимиз аъзоси Қаҳрамон Рўзиев эса бу савоб ишларни давом эттириб, 60 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари улашди.

2022 йил 20 февраль кун “Пахтазор” маҳалласида яшовчи Дилафрўз Тўйчиева уй-жой олиш учун субсидия масаласида муаммо бўлаётганлиги юзасидан мурожаат қилди. Ушбу мурожаат ҳам ҳал этилди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзоси Қаҳрамон Рўзиев 20 май кунги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Коррупция ёшлар нигоҳида” иншолатановини ўтказишга бош-қош бўлди. Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан кунча Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти Қарши филиалида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида футбол, волейбол, шахмат-шашка, теннис, турникка тортилиш турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Депутатлик гуруҳимиз аъзоси Алишер Ишназаровнинг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасидаги фаолиятдан сайловчилар мамнун бўлишаётир. Депутат ташаббус билан апрель-май

ойларида “Комилон” маҳалласи аҳолиси мурожаати асосида 3 километрлик ички йўллари таъмирланди. Маҳаллага янги трансформатор ўрнатилди. 12 та электр симёғочлар янгиликлар билан алмашиб олинди. “Яшил макон” умумтаълим лойиҳаси асосида 3 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари, депутат ара-лашуви билан маҳалла ҳудудига жойлашган 136-ётоқхона тўлиқ таъмирлаб берилди.

Депутат Чамангул Мухаммадиева “Пахтазор” маҳалласи аҳолиси билан учрашганида фуқаролар “Тинчлик” кўчасидан 2 километр, “Баркамол” кўчасидан эса 600 метр масофа кўчи асфальт қилиб беришга қўмақ сўрашганиди. Депутат аҳоли мурожаати асосида вилоят автобус йўллари ҳудудига яшовчи фуқароларнинг Б.Раҳимов номига депутатлик сўрови юборди. Маҳалла ички йўллари 2022 йилнинг учинчи чорагида асфальт қилинади-гана бўлди. Бундан ташқари, депутатга “Комилон” маҳалласида яшовчи Гузал Сафарова тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 20 миллион сўм, “Кат” маҳалласидан Гулшан Ражабова ҳам кўп қаватли уйлардан олиш учун шунча миқдорда субсидия олишга ёрдам беришини сўраб, мурожаат қилганиди. Чамангул Мухаммадиева фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиб, шаҳар ҳолимига ва тегишли масъулларни жалб этган ҳолда уларга субсидия ажратилишига ва ҳар

бирига бандлигини таъминлаш учун тикув машинаси олиб беришга кўмаклашди.

Депутат Акмал Бегматов “Чармгар” МФЙда яшовчи фуқаролар билан тез-тез мулоқот уюштириб, одамларнинг дарду ташвишларини енгиллатишга баҳоли қудрат ҳисса қўшапти. У Нормурод Қаримов хонадонига бўлганида, оила етакчиси даволаниш учун ордер олиб беришга ёрдам сўраган эди. Депутат вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси орқали унга соғлигини тиклаб олиш учун ордер олиб берди. Шунингдек, “Буюк Турон”, “Темирийўлчилар” маҳалласида яшовчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 14 нафар фарзандлари ҳамда уйда ўтирган 8 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам кўрсатди.

Шу кеча-кундузда ҳам гуруҳимиз аъзолари томонидан кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Ўз навбатида, партиянинг конституция қўрағонига вазифаларни самарали бажариш, халқ билан мулоқотда кўтарилган масалалар ечимини топиш, “Адолат” СДПнинг нуфузини янада ошириш бизнинг доимий эътиборимизда бўлиб қолаверди.

Хусниддин БЕРДИМУРОВОВ,
халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Қашқадарё томонларда

ЭЛЛИК НАФАР ПАРТИЯДОШИМИЗ МАҲАЛЛА РАИСИ БЎЛДИ

Бир вилоятдаги натижа

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 16 мартдаги ва халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг 25 мартдаги қарорига мувофиқ воҳада 2022 йил 16-25 май кунлари 813 та МФЙларда маҳалла раиси (оқсоқоли) сайлови бўлиб ўтди. Сайловда ошқоралик, шаффоқлик ва муқобиллик таъминланганлиги боис ҳам фидойи, эл-юрт хурматида сазовор бўлган фуқаролар сайланди. Шуниси диққатга сазоворки, маҳалла раислигига сайланган ватандошларимизнинг 697 нафари олий, 116 нафари ўрта махсус маълумотли, 569 нафари эса биринчи марта сайланган фуқаролардир. Шулардан 43 нафари хотин-қизлар маҳалла раиси этиб сайланди. Турли сиёсий партиялардан сайланган 27 нафар депутатлар ҳам маҳалла раислигига лойиҳа кўрилди.

Маҳалла ватан ичра ватандир. Айни пайтда уларда турли миллат вакиллари умргузаронлик қилишади. Маҳалла раислигига сайланган юртдошларимизнинг 30 нафари тожик миллатига, 11 нафари туркман миллатига мансуб. Бошқа миллат вакиллари ҳам сайланди. Умуман олганда, вилоятимизда маҳалла раиси (оқсоқоли) сайлови ҳар томонлама намунали ўтди.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш керакки, маҳалла раислигига муносиб топилган номзодларнинг қарийб 50 нафари “Адолат” социал-демократик партияси аъзоларидир.

Биз барча “адолат”чилар номидан масъул вазифага муносиб кўрилган партиядошларимизни чин кўнгилдан қутлаймиз.

Рушддин РАУПОВ,
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қашқадарё вилоят комитетининг раиси

Қирк киши ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Ҳаққул Эшимов аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш борасида кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўляпти. Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан кунча “Шайхали” маҳалласи ҳудудига хитой технологияси асосида чинкидини қайта ишлашга мўлжалланган “Евро пласт+инвест” МЧЖ ишга туширилгани барчани хурсанд қилди. Иш масаласида мурожаат қилган 40 нафар фуқарони депутат шу жамиятга ишга жойлаштирди.

– *Изланиш, интилиш бор жойда ўсиш бўлади*, – дейди фуқаро Мадина Худоёрова. – *Кўп йиллардан бундан иш йўқлиги учун уйда ўтиргандим. Депутат Ҳаққул Эшимов кўмаги билан ишга жойлашдим. Бундан хурсандман.*

– *Депутатимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибор ва гамжўрлиги туфайли менинг ҳам доимий бандлигим таъминланди*, – дейди маҳалла ёшларидан бири Азизбек Ҳамидов. – *Энди ҳар ой маош олиб, оиламга иқтисодий ёрдам бераман.*

– *Аҳоли бандлигини таъминлашда ҳусурий секторнинг улуши тобора ортиб бораёпти*, – деди фаолиятини бошлаган “Евро пласт+инвест” МЧЖ раҳбари, тадбиркор Асрорбек Зайнуллоев. – *Бунда бизларга давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар ва Ҳаққул Эшимов каби фидойи депутатларимизнинг кўплаб-қувватлаётгани кўл келмоқда.*

Келгусида жамият цехларини кенгайтириш ва қўшимча тармоқларни ишга тушириш ҳисобига мустақил ҳаётга кириб келаётган яна 30 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



Давра суҳбати

ХАЛҚЧИЛ ҒОЯЛАРИ
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши томонидан Навоий вилоят мудофаа ишлари бошқармаси фаоллари залида “Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони” мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партия вилоят кенгаши вакиллари ҳамда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан партия вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳайитов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда партияларнинг роли тўғрисида атрафчиликни тўхтади. Жумладан, “Адолат” СДП Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда муҳим лойиҳалар ва ташаббуслар амалга оширилаётганлиги партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи янада ортиб боришига хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Алоҳида қайд этиш ўринлики, турли соҳа вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик билан ўтадиган учрашувларда партия ғоялари ва мақсадлари, шунингдек, депутатлар томонидан кўтарилаётган масалаларнинг қизгин қўллаб-қувватланиши барчамизни бирдек хурсанд этади. Энг асосийси, партиянинг фаолияти ҳаётимизда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатида ҳам партия ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг тарзда вилоят мудофаа ишлари бошқармасида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва ходимлар ўзларини кўндан буён қийнаб келаётган муаммоларни тилга олиб ўтишди. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат вазифаси юзасидан республиканинг турли вилоятларига тез-тез кўчиб ишлашига тўғри келади. Шу боисдан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ишга, фарзандларини эса мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштиришда доимий тарзда муаммолар юзга келади. Шу билан бирга, бошқарма тизимида ҳарбий бўлмаган лавозимларда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш ҳақлари кам, ўртача 2 миллион сум атрофида.

Бошқарма ходимлари томонидан кўтарилган барча масалалар юзасидан партиянинг вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Ҳайитов томонидан ҳуқуқий ва амалий тушунчалар берилди.

Учрашув сўнггида бундай тадбирларни вилоят мудофаа бошқармасининг кўйи тизимларида ҳам мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати



Мақсад – аёллар учун
кенг имкониятлар яратиш

Сўнгги йилларда юртимизда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъдоди ва қобилиятини рўйбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Жорий йилнинг 7 июнь куни “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан Бекобод шаҳар Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумининг фаоллар залида “Хотин-қизлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида” мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам айнан шу масалани қамраб олди.

Унда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Марказий аппарат масъул ходимлари, “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Бобур Мамиров, Бекобод шаҳар кенгаши депутатлари ва партия маъсул ходимлари, “Аёллар қаноти” ва “Еш адолатчилар” қаноти раислари, “Ешлар парламенти” аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов кириш сўзи билан очди.

Давра суҳбатида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга

оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини кучайтириш, хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникма олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш масалалари доирасида фикр юритилди.

Шунингдек ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифати, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, тураржойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни бел-

гилаш ҳамда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш, жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий кадриятларни сақлаш, оила-ларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш мавзусида сўз борди.

Давра суҳбатида “Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар, муаммолар ва истиқболдаги режалар”, “Хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти”, Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгилаб берилган вазифалар ижроси мавзуларида маърузалар тингланди.

Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати

Жиноятга жазо муқаррар

ПОЧЧАСИНИ
ТУНАГАН ҚАЙНИ

Инсонни шайтон йўлдан урса бегона тугул, ўзининг яқин қариндошларига нисбатан ҳам жиноят содир этиши мумкин экан. “Эртага унинг юзига қандай қарайман”, деган хижолату хавотир ҳаёлга ҳам келмайди бундай пайтда.

Учкўприк туманининг Ғиждон қишлоғида яшовчи Бердали Ғофуров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам куппа-кундуз кунни ўз поччасини – туғишган опасининг турмуш ўртоғини тунаб кетади.

Гап шундаки, опаси Шохиста Жумабоевнинг ҳовлисида усталар ишлаётганда ўша кунларда. Бинобарин, она Дилбархон Ҳурматова 2022 йил 2 февраль кунни усталарни йўқлаб, яъни “ҳорма, бор бўл!” маъносиди хабар олиш учун эрталабданок дастурхону туғун тайёрлашга тушади. Тушлик маҳали – соат 13:00 ларда Бердали опасини қўлига олиб боради. Бу пайтда Шохистанинг қайнота ва қайнонаси ҳам ўша ерда, хўжайини Нурмирза Жумабоев эса ишда эди. Фарзандлари ўйнаб юришганди. Ҳаммалари биргаликда тушлик қилишади.

Кейин қудаларнинг суҳбати қизиб кетади. Б.Ғофуров уларга халал бермай, усталарнинг ишини кўриш мақсадида хоналарни айлана бошлади. Худди ўша кезде опасининг ётоқхонаси очик турганди. Бердали ётоқхонага бош сукади. Қарасаки, ётоқхонадаги кичик очик турибди. Шкафдаги кийим-кечакларга разм солар экан, йигитнинг кўзи Н.Жумабоевнинг костюми ички чўнтагида турган, ок елим халтага ўралган бир даста долларга тушиб қолади-ю, бирдан фикри-хаёли бузилади. У дарҳол пулларни олиб, ички


чўнтагига солиб қўяди. Сўнг яна ҳеч нарса билмагандек аёллар ўтирган хонага қайтиб киради.

Б.Ғофуров уйига бориб, елим халтани очиб кўрганида 3 та тахламда, резина билан ўралган жами 30.000 АҚШ доллари борлиги маълум бўлади. У пулларни уйининг томғига олиб чиқиб, қоғоз кутининг тагига яшириб қўяди.

Шундан сўнг ўзича турли режалар туза бошлади Бердали. Масалан, маҳалладоши Асрор Тоировнинг ёрдамида автомашина савдоси билан шуғулланмоқчи бўлади. Шу мақсадда маслаҳатлашиш учун Асрор ақанинг олдига ҳам боради. Кейин у билан автомашина бозорига чиқиб, 4250 АҚШ доллариға қаймоқ рангли “Дамас” русумли машина сотиб олади.

Бундан ташқари, “қаҳрамон”имиз 2022 йил 14 февраль кунни 1000 АҚШ долларини қўшни Бувайда туманидаги банк филиалида миллий валютага айриб олаб, “Ласетти” автомашинаси харид қилиш учун “Гранд” кредит ташкилотига дастлабки тўлов тариқасида тўлайди. Сўнг 20.000 АҚШ долларини сақлаб қўйиб, қолган 4750 АҚШ долларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Буни қарангки, Нурмирза орадан икки ҳафта ўтиб – 2022 йил 16 февраль кунни долларлари йўқолганидан хабар топади ва ўша захотийек туман ИИБга мурожаат қилади. Қолаверса,



Шохиста ҳам онасига кўнғироқ қилиб, уйдан пул ўғирланганини айтади. Қизидан бу гапни эшитиб, кўнғироқ хавотир оралайди Дилбархон холанинг. Негаки, онаизор сўнгги кунларда Бердалининг юриш-туриши ўзгариб қолгани сезар, автомашина сотиб олганидан ҳайрон бўларди-ю, аммо боисини билмагани учун фарзандини ранжитиб қўйишни ўйлаган ҳолда индамасди.

– Опангникига ўғри тушиб, ўттиз минг долларини олиб чиқиб кетибди, – дейди Д.Ҳурматова ўғлини ёнига чақириб ва Бердалига савол назари билан қарайди.

– Нима, ҳали сиз мендан шубҳаланаясизми? – дея волидасини қойиб беради йигит.

Шундан сўнг ИИБ тезкор ходимлари келиб, уйни – воқеа жойини, ҳовлини обдон кўздан кечиришади. Сунгра қидирув ва суриштирув ишлари олиб боришади. Аввало, улар усталарни бирма-бир сўроқ қилишади. Кейин хорижий валюта йўқолган кунлари уйга кимлар келиб-кетгани билан қизиқишади. Оқибатда калаванинг бир учи Б.Ғофуровга бориб тақалади. Қонун ҳимоячилари билан суҳбатда эса у қилмишини тан олади. Шу боис маз-

кур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди айни ишни кўриб чиқди. Судда Бердали қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган зарарини қоплаганини айтиб, енгиллик беришни сўради. Суд уни Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбни деб топди, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Албатта, жиноятчининг тегишли жазага маҳрум этилиши бу – қонун талаби. Бироқ мазкур вазиятда Шохистанинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ахир ҳар қанча айбдор бўлмасин, туғишган инисининг озодликдан маҳрум қилиниши уни икки ўт орасига солиб қўйди-да. Бир томонда хўжайини, иккинчи тарафда эса ақсининг доғида азият чекаётган онаси ҳамда келини, жиянлари. Энди боқижш то Бердали жазо муддатини ўтаб қайтгунча уларнинг кўзига қандай қарайди? Уртага тушган совуқчилик кейинчалик ҳам айримикин?

Нима бўлганда ҳам ҳеч кимнинг бошига бундай ташвишни солмасин, деймиш.

Аброржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг раиси

Инсон қадрини учун

ҲАҚ ЖОЙИДА
ҚАРОР ТОПДИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари қонун асосида қўллаб-қўллаб қаратилган. Бузилган ҳуқуқларни тиклаш прокуратура идоралари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Қуйидаги мисол ҳам бизнинг юқоридаги фикримизга исбот бўлади.

Беруний туманидаги “Ибн Сино” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Т.Султонов таниши Н.Қозоқбоев билан жанжаллашиб қолган ҳолати бўйича профилактика инспектори томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиб, суд-тиббий экспертиза хулосасида ҳеч қандай жароҳат излари аниқланмагани кўрсатилган бўлса-да, Н.Қозоқбоевга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмига асосан маъмурий иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиниб, маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Ваҳоланки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида қасддан енгил тан жароҳат етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг исққа мударат ёмонлашувиға ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келган бўлсагина маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Беруний тумани прокуратураси мазкур ҳолатга оидинлик киритиб, маъмурий қарорни бекор қилиш ҳақида протест киритди ва Н.Қозоқбоевнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори З.Уралимов шундай йил 10 январь кунни Беруний тумани “Олтинсой” ОФЙ ҳудудида ҳаракатланиб келаётган “Nehia” русумли автомашинани тўхтади, ҳайдовчи К.Сапаровнинг спиртли ичимлик ичганилиги гумон қилиб, мастлик ҳолати даражасини аниқловчи “AlcoStop” 8000S русумли ускунанинг йил, кун, ой, соат вақтига эътибор бермасдан, алкоғолдан мастлик ҳолати аниқланди, деб асосиз маъмурий баённома тузган.

Ушбу маъмурий баённома Беруний тумани прокуратураси томонидан ўрганилиб, бекор қилинди ҳамда инспектор интизомий жавобгарликка тортилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори Ф.Қамаловнинг 2021 йил 4 ноябрдаги “Камаз” русумли автомашина эгаси Ф.Тожиқовга тегишли хужжатларнинг автомашина бошқаргани учун расмийлаштирилган баённомаси Беруний тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори Х.Холбоев томонидан кўриб чиқилиб, 2021 йил 5 ноябрь кунни Ф.Тожиқовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддаси 2-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, яъни 1.350.000 сум жарима жазоси қўлланилган.

Мазкур қарор қонун талабларига зид бўлгани ҳамда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа меъёрий хужжатлар ва ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги сабабли бекор қилинди. Чунки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддаси 1-қисмида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжатлари ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, инсон қадрини, шаънини, қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Отабек НИЁЗМЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори катта ёрдамчиси
Раҳат ЖАНАБАЕВ,
Беруний тумани прокурор ўринбосари

ТАКЛИФ

Хар бир мамлакат, давлат ўз келажагини, тараққийини, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий юксалиш йўлларини маълум бир қонунлар, қарорлар, фармонлар, фармойишлар асосида белгилаб олади. Бу қонуний ҳужжатлар нафақат ўша мамлакат ёки давлатнинг рақиб топиши учун, балки унинг халқи яхши, фаровон яшаши, тўқис хаёт кечириши учун ҳам хизмат қилади. Шу сабабли мамлакатимиз Президентини, республика Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, фармонлар, фармойишларга халқимиз катта умид кўзи билан қарайди. Уларни мамлакатнинг истиқболли келажагини белгилаш йўлидаги асосий омиллар, ҳужжатлар деб ҳисоблайди.

Қарор лойиҳаси ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИМИ?

Хўш, шундай экан, республикада айни пайтда ишлаб чиқилаётган қарорлар, қонунлар, фармонлар лойиҳаларида, ҳақиқатан, халқимизнинг, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга, аҳолининг молиявий аҳволини яхшилашга хизмат қилиши режалаштирилмоқдими? Келинг, бу борадаги саволларга жавоб топиш учун республика ҳукуматидаги "Ўқилги-энергетика ресурсларининг нархларини ўзгартириш тўғрисида"ги жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қарор лойиҳасига бир назар ташлайлик. Қарор лойиҳасида электр энергияси ва табиий газ нархларини ўзгартиришга сабаб қилиб Ўқилги-энергетика тежамкорлигини рағбатлантириш, бу соҳада молиявий интизомни мустаҳкамлаш, Ўқилги-энергетика комплекси қорхоналарини балансли ривожлантириш, электр энергияси ва табиий газни реализация қилишнинг бозор механизмларини ҳаётга янада кенгроқ жорий этишни таъминлаш, ушбу соҳаларни мамлакатимизда рентабелли, фойда келтирадиган жабҳага айлантириш каби масалалар кўрсатилган. Масаланинг моҳиятини яна ҳам аниқроқ, лўндароқ қилиб айтидиган бўлсак, электр энергияси ва табиий газ нархларини охиши ва табақалаштирилган ҳолда охиши асосида ушбу соҳаларни эркин бозор иқтисодига ўтказиш ва Энергетика вазирлигини энг бой ташкилотга айлантириш мақсади ётади.



Қарор лойиҳасига кўра, республикада аҳоли учун, тўғрироғи, бир абонент учун электр энергияси истеъмоли ойига 250 киловатт соат қилиб белгиланган ва бу белгиланган 250 киловатт соатнинг ҳар бир киловатт соати учун истеъмоли 325 сўмдан пул тўлайди. Агар истеъмоли абонент ойига 250 киловатт соатдан ошса, электр энергияси ишлатишга, унинг ҳар бир киловатт соатига нарх-наво табақалаштирилган ҳолда 650 сўмдан пул тўлаши кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар бюджет ташкилотлари учун 800 сўмдан, юридик шахслар учун 600 сўмдан қилиб режалаштирилган.

Табиий газ бўйича аҳоли учун, аниқроғи, бир абонент учун иситиш мавсумида ойига 700 куб метр белгиланган ва шу белгиланган 700 куб метрнинг ҳар куб метри учун 410 сўмдан пул тўлаш мўлжалланган. Иситиш мавсумидан бошқа вақтлар учун 200 куб метрига 410 сўмдан маблағ тўлаш режалаштирилган. Иситиш мавсуми ва иситиш мавсумидан бошқа вақтлар учун белгиланган базавий нормадан ошқ ҳар бир куб метр табиий газ учун 1200 сўмдан пул тўлаш белгиланган. Шунингдек, бюджет ташкилотлари учун ҳар бир куб метр газ ҳақи 1300, автомобилларни газ билан тўлдирish компрессор станциялари учун 1200, иссиқлик электр станциялари учун 1000, юридик шахслар учун 1150 сўмдан жорий этилган.

Дарвоқе, 2018 йил 1 ноябрда республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқилги-энергетика ресурсларининг нарх ва таърифларини босқич-ма-босқич ўзгартириш тўғрисида" деб номланган 897-сонли қарори қабул қилинган эди. Ушунда қарорга кўра 2019 йилнинг 1 июнидан 1 киловатт соат электр энергиясининг нархи 280 сўм, табиий газнинг нархи 350 сўм кўтарилиши белгиланган эди.

Шу билан бирга қарорда 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб эксперимент тарихида Тошкент шаҳрининг Юнусов думанида аҳоли истеъмоли учун электр энергияси базавий нормаси ойига бир абонентга 300 киловатт соат, табиий газнинг базавий нормаси иситиш мавсумида бир абонентга ойига 1000 куб метр, иситиш мавсумидан бошқа вақтларда 250 куб метр қилиб белгиланган. Белгиланган базавий нормадан ошқ ҳар бир киловатт соат электр энергияси ва куб метр табиий газ учун 1,2 баравар миқдорда пул тўлаш жорий қилиниши кўрсатилган эди.

Бу эксперимент (тажриба) ўша пайтда амалда қўлланилгани, йўқми, у қандай натижа берди, билмадик. Лекин ниҳоятда таниш манзара: 2018 йилдаги қарорда эксперимент (тажриба) сифатида белгиланган кўрсаткичлар эндиликда қарор лойиҳасида ҳам тўла аксини топган. Аксини топганда ҳам истеъмолининг, аниқроғи, халқимизнинг чўнтағига кўпроқ зиён бериши режалаштирилган тарзда намоян бўлган. Эътибор беринг, эксперимент доирасида ҳар бир абонентга базавий норма электр энергиясида 300 киловатт соат қилиб белгиланган, қарор лойиҳасида эса бу кўрсаткич 250 киловатт соатга туширилган. Табиий газнинг базавий нормаси экспериментда иситиш даврида 250 куб метр қилиб белгиланган бўлса, ана шу кўрсаткичлар лойиҳада 700, 200 куб метр ҳажмида кўрсатилган. Яъни, базавий миқдор ҳажми янада камайтирилган. Айни пайтда, экспериментда электр энергияси ва табиий газнинг базавий миқдоридан ортиқ бўлган қисмидаги ҳар бир киловатт соат ва куб метрига 1,2 баравар миқдорда пул тўлаш белгиланган бўлса, қарор лойиҳасида ушбу кўрсаткичлар базавий миқдордаги маблағ миқдоридан 2-3 баравар кўп тўлашни кўрсатилган.

Тўғри, мамлакатимизда электр энергияси ва табиий газ аҳолига субсидияланган ҳолда етказиб берилади. Яъни, электр энергияси ва табиий газни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган маблағни уни истеъмоли қилаётган аҳоли томонидан тўланаётган маблағ қопламайди. Шу сабабли давлат бу маҳсулотлар учун аҳолига ҳамхўрлик мақсадида қўшимча пул субсидия тўлайди. Мутахассисларнинг фикрича, давлат томонидан тўланаётган субсидиялар ҳозирги мавжуд ҳолатда абонентлар ўртасида бир хил тақсимланаётган эмас, яъни, кимдир ушбу субсидиядан 20 фоиз фойдаланаётган бўлса, бошқа биров 80 фоизлик улушга эга бўлаётганмиш. Шу сабабли соҳада адолат мезонини тиклаш учун ислохотчи амалга ошириш, уларнинг нархларини бозор иқтисодига мослаш керак эмас.

Бу хусусда Энергетика вазирлиги электр энергетика соҳасини ислох қилиш лойиҳа офиси директори ўринбосари Баҳром Умарбеков "Ўзбекистон овози" газетаси муҳбирига берган интервюсида шундай дейди: "Аҳолига етказиб берилаётган электр энергияси учун тахминан 420 сўм харажат қилинса, истеъмоли бунинг 200 сўмини тўлайди. Эндиликда давлат томонидан берилаётган субсидиялар истеъмолилар ўртасида тўғри тақсимланмайтирди. Шу сабабли мувоозанатни сақлаш учун янги тизим жорий этилди. Унга кўра (электр энергияси учун), ойлик истеъмоли меъёри 200 киловатт соат (ваҳоланки қарор лойиҳасида 250 киловатт соат) этиб белгиланди. Мазкур миқдордан бўлган тақдирда эски таърифлар даярли ўзгармаган ҳолда тўлов қилинади. 201 киловатт соатдан бошлаб энергия етказиб беришнинг ҳамма харажатларини тўлиқ қоплайдиган, субсидияланмаган ҳажмида, яъни таърифнинг икки миқдоридан тўлов амалга оширилади. Натижада ижтимоий ҳимоянинг қайсибир даражада манзиллилиги таъминланади".

Электр энергияси ва табиий газга давлат томонидан берилаётган субсидияларни "адолатли тақсимлаш" билан овоза бу ислохчи, агар ўзлари тавсия қилган қонун лойиҳаси амалга охса, электр энергияси ва табиий газга янги тўловлар орқали халқимизнинг иқтисодий шароитида қанча қийинчиликлар юзага келиши тасаввур қилармиканлар? Келинг, масалга факт ва рақамлар асосида ёндашайлик.

Авалло, қонун лойиҳаси кучга кирса, электр энергияси ва табиий газнинг нархи ислохчи директор ўринбосари айтганидек ўзгармасдан қолмайди. Бугунги кунда бир киловатт соати 295 сўм бўлган электр энергияси нархи 325 сўмга кўтарилади. Ёки бир куб метри 380 сўм бўлган табиий газ нархи 410 сўмга айланади. Бу нарх-наво охишларини энергетика соҳаси ислохотчилари "арзимас ўзгартириш" деб атайдилар. Бу ушбу соҳада нарх-наво охиришнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Унинг иккинчи босқичи энергетика ресурсларига нарх-наво охиришнинг табақалаштирилган қисми билан боғлиқ. Демак, қарор лойиҳасида электр энергияси ва табиий газнинг нархи бир йўлга икки марта охирилиши кўзда тутилган.

Хўш, бу қарор лойиҳаси тасдиқланса, аҳолининг бир абонент ҳисобига электр энергияси ва табиий газга тўлайдиган маблағлари сарфи қанчагача кўпаяди? Шу мақсадда Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўндан ортиқ одам истиқомат қиладиган бир оила (бир абонент)нинг электр энергияси ва табиий газ билан боғлиқ сарф-харажатларини ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Оила бошлигининг айтишига кўра, ҳўжалик учун бир ойда 600 киловатт соат электр энергияси сарфланар экан. Бу мавжуд нархга кўра 177 минг сўм бўлади. Бу рақам қарор лойиҳаси бўйича ҳисобланса салкам 308 минг сўмга етади. Ушбу ҳўжалик иситиш мавсуми даврида табиий газдан 1400 куб метр миқдорда фойдаланар экан. Бугунги нарх-наво асосида унинг баҳоси 552 сўмдан ошади. Қарор лойиҳасига мувофиқ эса ушбу газ миқдори 1 миллион 127 сўм деб баҳоланади. Иситиш мавсумидан бошқа даврда табиий газ миқдори 400 куб метрдан кўп сарфланар экан. Демак, бу ҳам қўшимча маблағ талаб қилади деган сўз.

Келинг, ана шу рақамларни умумлаштириб, ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Хулоса аниқ: қарор тасдиқланса, электр энергиясининг 1 киловатт соати ушбу оилага 501 сўмдан, табиий газники эса 1 куб метри 805 сўмдан тушади. Бошқача Сўзимиз бошида ҳар бир мамлакатда қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари давлат ҳамда халқ манфаатлари учун, юртининг, эл-улусининг, ободлиги, рақибани таъминлаш учун хизмат қилади, деган фикрни айтган эдик. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқилги-энергетика ресурсларининг нархларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳам бир жиҳатдан давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида жамоатчилик муҳокамасига ташланган ҳужжат, деб баҳолаш мумкин. Лекин ҳар қандай мамлакатда давлат манфаатлари халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда намоян бўлади. Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш халқ манфаатларини ҳимоя қилишдан бошланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳар бир маърузасида "Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади" деган гапни такрор-такрор таъкидлайди. Шундай экан, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган, кўпчилигининг эътирозларига сабабчи бўлаётган табиий газ ва электр энергияси учун истеъмоли тўловларини икки марта — ҳам тўғридан-тўғри, ҳам базавий норма асосида ошириш билан боғлиқ қарор лойиҳасини қандай баҳолаш мумкин? Бу қарор лойиҳаси кимнинг манфаатини ҳимоя қилар экан?

айтганда, мутахассислар энергетика ресурсларининг баҳосини икки бараварига оширишни режалаштирганлар. Юқоридаги оиланинг ҳисоб-китобларга кўра маблағининг салкам 1,5 миллион сўми электр ва газга сарф бўлар экан. Оилада икки ишловчи бўлса, ҳар бири 3 миллион сўмдан маош олса, унинг тўртдан бир қисми электр ва газга сарф бўлса, қолган маблағ хонадон аъзоларининг бир ой давомида яшашлари учун етарлими? Республикада бундай оилалар, хонадонлар сони ниҳоятда кўп. Шундай экан, қарор қабул қилинса, уларнинг иқтисодий аҳволида қийинчиликлар юзага келмаслигига ким кафолат беради?

Электр энергияси ҳам, табиий газ ҳам мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилади. Агар уларни ўзимизда ишлаб чиқармай четдан сотиб олганимизда эди, қарор лойиҳасида белгиланаётган нарх-наво охишидан мақсадни тушуна бўларди. Шу ҳолатда эса қарор лойиҳасини мутахассислар, аввало, халқимизнинг айни пайтдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини ҳисобга олмасдан тайёрлаганликлари, қолаверса, электр энергиясининг ва табиий газнинг базавий миқдорини белгилашда ҳам, базавий миқдордан ошқ қисмига табақалаштирилган усулда нарх-наво қўйишда ҳам асосиз ва нотўғри йўл тутганликлари аққол англашилиб турибди. Акс ҳолда турли хил ёриткичлардан тортиб телевизор, компьютер, чанг юткич, музлаткич, кондиционер, уйни ва сувни иситиш асбобларига эга хонадонлар учун электр энергиясининг базавий нормаси 250 киловатт соат, газники мавсумда 700, мавсумдан бошқа вақтларда 200 куб метр қилиб белгиланмаган, уларнинг табақалаштирилган нархлари 2-3 баравар оширилмаган бўларди!

Шу билан бирга қарор лойиҳасидаги тилга олинган базавий ва табақалаштирилган нарх ҳар бир абонентга мўлжаллаб белгиланган. Бу ерда "ҳар бир абонент" сўзига алоҳида эътибор қаратиладиганлиги бежиз эмас. Бир абонент эса базан 2-3 одамдан, базан 15-20 кишидан иборат бўлиши мумкин. Халқимиз эса болажон, кўпчилик бирга яшайди. Бир-икки одам яшайдиган хонадонлар юртимизда 10-15 фондан ошмайди. Базан шариот тақозоси, иқтисодий имконсизлик натижада бир хонадонда 2-3, ҳатто 3-4 та оила яшаётгани ҳам айни ҳақиқат. Юқоридаги базавий нормалар эса яқка тартибдаги уйлар ва турли ҳажмдаги квартиралар учун бир хил, ўша уйлар ва квартиралар квадрат метри ҳамда уларда яшаётган одамлар сони ҳисобга олинмасдан белгиланган. Масалан, бир хонали икки киши яшайдиган хонадон ҳам, уч-тўрт оила истиқомат қиладиган ховли ҳам бир абонент ҳисобланади. Табиийки, одам сонига қараб электр энергия ва газ истеъмоли ҳам ошиб боради. Ҳовлиларда сув, иситиш тизими ҳам электр энергияси, базан иккаласи ёрдамида амалга оширилади. Натижада яқка тартибдаги хонадонларда ва кўп қаватли уйлардаги квадрат метри катта бўлган квартираларда яшовчи 10-15 кишилик абонентлар электр энергия ва табиий газ истеъмолини тежашга қанча ҳаракат қилсалар ҳам белгиланган базадан ортиқ сарфлашга ва ортиқча маблағ тўлашга мажбур бўладилар. Бу эса аҳолининг турли қатламлари ўртасида электр ва газга ҳақ ундиришда, ҳақиқатан ҳам тенгсизликни, адолатсизликни келтириб чиқаради. Шунинг учун агар бундай базавий норма ва табақалаштирилган нарх қабул қилиниши зарур бўлса, бу тенгсизлик ва адолатсизликни бартараф этиш керак. Яъни, базавий нормани абонентга эмас, одам сонига қараб белгилаш керак ёки хонадонлардаги ҳар бир оилани алоҳида абонентга айлантириш шарт.

Умуман олганда, ҳукуматимиз томонидан тақдим қилинаётган қарор лойиҳасида режалаштирилаётган электр энергияси ва табиий газ нархларининг оширилишидан мақсад нима? Ислохотчи мутахассислар бунчи "иқтисодиётимизни нафақат ўстириш, балки унинг суръатини ҳам кўтариш", "энг асосийи электр энергияси ва табиий газга бўлган эркин бозорни ўрганиш" деб баҳолашмоқда. Мақсад яхши. Аммо...

Эхтиром

ЮРТИМИЗНИНГ УЛУҒ КУЙЧИСИ ЭДИ



Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг тасирчан кучидан фойдаланиш зарур. Зеро, адабиёт халқнинг юраги, халқ маънавиятининг кўзгусидир.

"Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз." Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу гаплари аниқ бир мақсадни олдимизга қўйди, яъни буюк шоир ва адибларимизнинг ижодини кенг тарғиб қилиш, бадиий адабиётга бўлган эътиборни кучайтириш, маънавият ва маърифатни юксалтириш каби ҳаракатларимиз амалда ўз аксини топа бошлайди.

Адабиётимизнинг буюк намояндаси, шоир ва адиб Фафур Ғулумни қанча кўп ўргансак, унинг ижоди шунча кўп қиррали эканлигига амин бўламиз. Фафур Ғулум ижодига алоҳида тўхталиш, бу ижодкорни яна қайтадан кашф қилиш, у ҳақида янги маълумотларга эга бўлиш деганидир.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан Тошкент давлат юридик университети зиммасига Фафур Ғулум ижодини талаба-ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш вази-фаси юклатилди. Университет ходим ва талабаларининг маънавий дунёсини бойитиш, буюк адибларимизнинг юксак меросини қадрлаш, уларнинг кенг ўрганилишини тарғиб қилиш ва адабиётга, сўзга, шеърятга бўлган ҳурматини янада ошириш ҳамда бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Тошкент давлат юридик университети ректорининг 2020 йил 26 майдаги "Ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари билан Фафур Ғулум ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш тўғриси"даги буйруғи асосида "Фафур Ғулум ижоди ва фаолиятини оммалаштириш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент давлат юридик университети томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси" қабул қилинди.

Режага асосан университет Ахборот-ресурс марказида "Фафур Ғулум бурчаги" ташкил этилди, ундан шоир ва адиб ижод маҳсуллари бўлган адабиётлар, шунингдек, фотосуратлар жой олган бўлиб, адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун алоҳида муҳит яратилди. Бундан ташқари, Фафур Ғулум ижодий кечалари ҳам ўтказилиб борилаётган. Ҳуқуқ масканимизда "Адабиёт ва ҳуқуқ уйғунлиги: Фафур Ғулум ижодида инсонпарварлик, одиллик ва меҳр-оқибат масалалари" мавзусида онлайн конференция бўлиб ўтди ва конференция материаллари тўплам сифатида чоп этилди.

Маълумки, шоир шеърларининг ҳар бир мисрасида ҳақиқат, самимият, она юртга, инсониятга бўлган муҳаббат уфуриб туради. "Шум бола", "Менинг ўғримга болам", "Ёдгор" асарлари халқчиллиги билан китобхонлар қалбини забт этган. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним Фафур Ғулум ҳақида шундай дейди: "Ҳар қандай ижодкор ўз даврининг фарзанди ва унга хизмат қилади. Шунинг билан айтганда, халқимизнинг мутафаккири, улуг шоири Фафур Ғулум ижодини, фаолиятини ўз даврига сидқидилдан, самимият билан бағишлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг қиёфасига, ўзбек халқининг овозига айланади. Унинг тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида чуқур, серқирра билими, она юртига ва халқига беқиёс муҳаббати, хизмати, кўксини тоғ этган гурури шундоқ демоққа асос бўлади".

"Устоз Фафур Ғулум ҳақидаги хотираларим ёзилганидан буён кўп йиллар ўтди. Бу вақт ичида ҳаётимизда талай ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон мустақил Ватан бўлиб қаддини ростлади. Агар Фафур Ғулум шу кунларда тирик бўлганда қандай туйғуларини кўнгулдани кечирарди, қандай шеърлар ёзарди? Бу савол менин халқимни кўп банд этади. Ушунча жавоб қидираман. Уйлайманки, Ватан истиқлолдан биринчи қувонган, ҳаяжонли шеърлар билан кутлаган шоир Фафур Ғулум бўларди. Чунки замондошларимиз ичида ҳеч ким Фафур Ғулумчалик ўзбек халқини севиб улугламаган, у қадар ўзбекона тафаккур қилиб, ўзбекона шеърлар битмаган...", дея хотирлайди атоқли шоир Эркин Воҳидов.

Фафур Ғулум кўллаб очерклар ёзган ва жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилган серқирра ижодкордир. Унинг дилга яқин, халқига ва ватанига бўлган муҳаббати, халқ дарди баён этилган ижод маҳсуллари ҳозирги кунга севиб ўқилиб келинмоқда. Фафур Ғулумнинг асл сиймосини мана шундай илиқ хотиралар орқали тасаввур этаемиз, унинг чин маънода қалби кенг, ватанпарвар инсон эканлигига амин бўламиз.

Ёшларни қўллаб-қувватлашда, уларнинг катта ҳаётга қадам қўйишларида Фафур Ғулум ижодининг ўрни беқиёс десак, муболага бўлмайди. Айниқса, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаган меҳрибон шоир уларни ижод осмонига парвоз этишига кўмаклашган, уларга устозлик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатган. Хулоса ўрнида айтганда, Фафур Ғулум юртимизнинг, Ватанимизнинг улуг куйчиси эди.

Зилола ТАЛПООВА,

Тошкент давлат юридик университети кутубоначиси

"Адолат" социал-демократик партияси фаоллари партия Сийёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимовга онаси Уғйולי АБДУҲАЛИМОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қамол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Санъаткорнинг умр йўлдоши САБРЛИ БЎЛИШИ КЕРАК



1 — Ҳабибахон опа, турмуш ўртоғингиз, эл суйган хонанда Охунжон Мадалиев ҳаётини қандай рангларда кўради?

— У киши учун дунёнинг ўзи — ундаги барча нарса фақат оппоқ ранглардан иборат эди. Мен у кишининг қабиҳлик ёки ёмониятга кишилар ҳақида гапирганини эшитмаганман. Жуда оққунли инсон эди.

— Эшитишимча, илк танишувларингиз касалхонада бўлган экан. Талабалигида пахта йиғим-терими мавсуми палласида соғлиқларида муаммо бўлиб, касалхонага ётган эканлар ва сизни уша ерда учратганлар, дейишади.

— Сал бошқачароқ... Бекободдаги тиббиёт техникуминини тугатиб, Олтиариқ туман касалхонасидаги кардиология бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаш эдим. Ҳамкасбимнинг тўйида Жумагул исми қиз билан танишиб, дугона бўлиб қолгандик. У ҳам тиббиёт ҳамшираси эди. Кейин эшитишимча, Жумагул буларнинг қариндоши экан. Онам Жумагулга "Биронта духтир қиз топ, Охунжонга овераман", деган эканлар. Жумагул мен ҳақимда айтиб, расминини кўрсатибди. Охун аканинг доираси Шухрат Аҳмедовнинг аёли ҳам бизнинг "Полосан" қишлоғимиздан. Шулар орқали мен ҳақимда маълумот тўплаганлар. Бир кун ишдан чиқишимда транспортда ортимдан келиб, қайси хонандога кириб кетганимни билиб, сураб-суриштирганлар.

Одатдагидай эрталаб навбатчиликни топшираётсам, кимдир мени чақирётганини айтишди. Чиксам, таниш чеҳрали одам йўқ. "Мени ким сўради?" дедим, "Мен", деди кулиб турган йигит. "Мен сизни танимайман", дедим. "Мен сизни танимайман, танишайлик, гапашайлик", дедилар. "Йўқ, танимаган одам билан нимани гапашаман?" деб дарров кириб кетганман.

Шундан бироз вақт ўтгач, бўлимимизга даволаниш учун ётган экан. Навбатчиликда ўтирсам, салом бериб ўтаётти. Қарасам, уйим, ёки илгари мени чақиртирган йигит. Бошқа беморлар қатори уларга ҳам яхши муомала қилиб, ҳамширалик вазифамни бажариб юрардим.

— У кишини биринчи кўраганингизда нималарни ҳис қилганингиз?

— Тарбияли, одобли, гап-сўзлари ҳам ўрнида. Танимаганим... муомалаларини чиройли йигит... Унинг маънавий учун гапашмасдан ичқарига кириб кетганман ўшанда.

— Дарҳол кириб кетганингизми?

— Ия, ҳа! У пайтда шарм-ҳаё жуда кучли эди. Қизлар биров билан гапашмас эди. Нозиккина, сочлари узун, жуда тортинқ киз эдим. У киши уша пайтда Фаргона давлат педагогика институтига ўз йўналишлари бўйича 4-курсда тахсил олар, аудио-касеталари чиққан, Фарғонада ёшлар орасида анча танилиб қолган эканлар, мен билмас эканман. Уни кўрган кизлар: "Вой, Охун, Охун, кимнинг олдига кириб Охун", деб қий-чўв қилишган. Мен индамаганман. Кейин кузда Раёноҳун ўртоғимнинг тўйи бўлган. Келинини тушириб бординим. Тўйда ўтирсак, шу йигит артист бўлиб келибди, кўшиқ айтаётти.

— Сизни кўрдими?

— Кўрди. Тўйнинг бошдан охиригача менга қараб кулиб, кўшиқ айтса денг...

— Қайси кўшиқларини айтди?

— Уялганимдан биттасиям эсимда қолмаган... Шу кутдан то қишгача уйга роса кўп совчи жағаллатган.

— Ўйдаги ўртоғингизнинг артиста қиз бермайдими, дейишмаганми?

— Опоқим (дадамнинг оталари) диний билимларни чуқур эгаллаган, катта домла, махсус ўста эди. Қишлоқларимиз орасида 16-17 километрлик масофа бор эди. Опоқим ўғлининг касби-кори нима, деса, онам (қайнонам) фахр билан: "Артист, болам, артист!" деган экан. Педагогика институтини тугатапти деса-ку, олам гулистон. Бунини эшитган қоқим артистнинг аёли кўп бўлади, йўқ, бермаймиз, бунинг устига чеҳра қишлоқдан экансизлар, деб рад жа-вобин берган. Аммо уйдагилари тинимсиз совчиликка қатнайвердилар. Ота-онаси "беришмайди барибир, бормаймиз энди", дейишса, Охун акам "Бошқасини олмаيمان", деган экан. Охири мендан сурашган. Мен шихонамга излаб борганларим, уйимгача ортимдан келиб, маҳалладан суриштирганлиги, ўқимини йигит эканлигини айтганман. Шундан кейин опоқим розилик бериб, тўйимиз бўлган. Улар оилада 5 нафар фарзанд бўлиб, энг кичиги Охун акам бўлганлар. Бизнинг оиламизда эса 7 нафар фарзанд эдик, шуларнинг каттаси мен эдим.

— Турмуш ўртоғингизнинг оиласида кимдир санъаткор бўлганми?

— Йўқ, оилада ҳеч кимнинг санъатга дахлдорлиги бўлмаган. Аммо онам Охун акамга ҳамилдорлигида Комилжон Отаниёзов, Олмахон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамовларнинг кўшиқ айтганини теле-визорда кўриб ёки радиода эшитиб қолсалар, "Шу хонандаларнинг кўшигини эшитиш учун уларнинг эшигини супириб, қозонини ювиб юришга рози эдим", дерканлар. Шу даражада кўшиқларини севиб тинглаган эканлар. Охун акам оналари 42 ёшда пайтида туғилган. Энди ўйлайман, аёлнинг ақли етуқ, ёши катталигида фарзанд курса, боласи ҳам ақли бўлиши, бунинг устига ҳамилдорлигида нималарга қизиқса, ўшалар, албатта, фарзандига ўтиши бор гап экан-да.

— Ҳофиз кўпгина кўшиқларида она-сизга муносабат қандай эди?

— Мен умрим давомида онасини у киши-чалик ҳурмат қиладиган ўғилни кўрмадим. Оналарини шунчалар яхши кўрадиларки, агар самолётдан ёки поезддан қолиб кетган бўлсалар ҳам онамининг дуосини олмасдан кетмас эдилар. Кетганларидан бир гапни айтдилар: "Онамага яхши қаранг! Овқатнинг олдини у кишига беринг!" Хизмат сафаридан қайтаётганларидан биринчи бўлиб онамни кўриб, кейин бизнинг, болаларнинг олдига келардилар. Бирон нарса опелсалар, иккита бўлар эди: мана бу онамага, буниси сизларга. Бирон, марта онамининг юзларига тикка қараганларини кўрмаганман. Она нима десалар, ҳамшира кўлини кўксига қўйиб, хўп бўлади, дердилар. Нима егиси келса, шуни топиб бериб, кейин ишга кетардилар. Чўнтагидан пул билан келсалар, онамининг кўлларига бермасдилар, ё естигининг ёки кўрпачасининг тагига қўядилар.

— Турмуш ўртоғингизнинг қандай хислатларини яхши кўра эдингиз?

— Ҳамама хислатлари ёқарди. Ростгүй эдилар, ҳечам ёлғон гапирмаганлар. Ҳамамаизга меҳрибон, болажон, онамизни бошида кўтарардилар, десам муволаға бўлмайди. Дам олиш масканларига боришмасди у пайтларда. Аммо бу киши она-мизни "Қаерга борасиз, дугоналарингиз билан борасизми, кўшиқларингиз, маҳалладагилар биланими ёки қизларингиз биланими" деб, ҳаммаларини автобусда салқин жойларга олиб бориб, шаритини қилиб бериб кўядилар.



келардилар. Опа-сингилларига, маҳалладагиларга, қариндошларга ҳам меҳрли, ким касал бўлса Андижонга, Фарғонага ёки Тошкентга олиб бориш керакми, ўша касалхонага олиб бориб, даволатардилар.

Эҳсон қилишни жуда яхши кўрар эдилар. Унг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, дердилар. Туманимиздаги катта махсуднинг имомига бир вагон ёғочни олиб бориб, махсуд қўрилишига ишлатинг, бир сизу бир мен билдим, ҳеч кимга айтманг деганларини вафотидан кейин айтишди. Дадам (қайнотам дедоқчи) оламдан ўтгач, уларнинг дўст-ёрларига эҳсон қилишни, дуоларини олишни яхши кўрардилар. Отасининг дўстларини қадрлаш савоб эканлигини тез-тез айтиб турардилар.

— Ҳофизга бундай саховатпешалик, саҳийлик қимдан ўтган? Отасига тортгани ёки онасига?

— Отам уи устаси бўлиб, тўйларда ош ҳам пиширганлар. Хизмат ҳақиқа ош, гўшт беришар экан. Уни опелкаган, онам маҳалладаги кўни-қўшиқларни чақириб, едирар эканлар. Онам жуда меҳмондўст, хушқачқак, дилбар, болажон аёл эдилар. Ҳар икка-ла ҳам кўллари очик инсонлар эди.

— Сизга ҳар кунги меҳмондорчиликлар малол келмасиди?

— Асло. Катта ўчоқларда, катта қозонларда овқат қилардик, бир уй болажонларга сузиб бериб, кейин ўзимиз ердик. Кўни-қўшни, Охун акамни тўйга айтгани келганлар, келди-кетди, ишқилиб ҳаммиша уи тўла одам эди.

— Сиз бунчалик меҳмондўст оила муҳитига қандай кўнидингиз?

— Мен тинч, сокин оиладан ҳеч қачон дарвозаси бекилмайдиган оилага келин бўлиб тушганман. Овқатим бемаза бўлиб қолса, ширин бўпти, деб ейшарди. Нон ёпсам, ҳаммаси бўлак-бўлак бўлиб чиқарди, лекин ота-онам барибир нонни бўлиб ердик, тайёр бўлган экан ўзи, деб мақтаб-мақтаб ейшарди. Кейинчалик секин-секин уи ишларига ўрганганман.



— Турмуш қураётганингизда бир кун келиб Охунжон Мадалиевнинг машхур хонанда бўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганингиз?

— Йўқ, хаёлимга ҳам келтирмаганман. Оддийгина кўшиқ айтди, деб ўйлаганман. Институтини тугатган, анча узоқда жойлашган 26-мактабга йўлланма беришган. Иккита автобусга чиқиб, ишга катнардик. Кейинчалик хунар-техника билим ортида, бир оз муддат Фарғона давлат филармониясида ишлади. Мен 4 нафар бола билан овора бўлиб боролмас, у кишининг бориш-келишида меннинг уйимга кириб, қайнона-қайногаларидан хабар олганларига хурсанд бўлардим. Ишқилиб, кейинчалик опоқим невараларга олиб бориб, шаритини қилиб бериб кўядилар.

— Ҳофизнинг оиласи, фарзандлари билан бе-малол утирган вақт-лари бўлганми?

— Йўқ, деярли бўлмасди. Ҳазиллашиб, биз ҳам навбатта ёзилсақ бўларкан, дердик. Мабодо вақтлари бўлса онамни, акамни опелардилар ва катта давра бўлиб утирдик.

— Соғлиғида муаммо бўлиб, иссиғи чиқиб турганида ҳам ваъда қилган хизматига келар эканлар. Шу тўғриси?

— Ҳа, халқ котиб турибди, бормасам нотўғри тушунишди, дердилар. Уқолларини қилиб, томоқларини артиб, дори-ларини бериб юборардим. Ёнида бир шифокорни олиб кетардилар.

— Шеър танлаганда қайси ишдоқорларнинг ишдоига кўпроқ муносабат қилар эдилар?

— У киши шоир танламасди, шеър танларди. Чуқур маъноли, маъмуний, одамнинг юрагига етиб борадиган шеърларни, китобларни, газеталарни йиғиб юрарди ва шуларга куй басталарди.

— Ҳофиз "Унутмоқ осонмас бизларни", "Кетаман" каби маҳзун кўшиқларни кўп айтган. Шундай кўшиқлар айтганида сабабини сўраганингиз?

— Йўқ, одамларнинг дилларига етиб борувчи кўшиқларни айтардилар, менимча. Ҳар бир одамнинг дардини ҳис қилардилар. Аллоҳ севган бандасининг кўнглига солар экан-да.

— Охунжон Мадалиев ҳақида устозларининг хотираларини ўқидим. Истеъдодли, беозор, бегубор, одобли, андишали ва гўзал ҳаёли инсон бўлганини, ҳеч қачон устозининг кўзига тик боқмаганини, ҳаммиша кўли кўксига бўлиб, ерга

қараб турганини айтишди. Хонанда ўйда ўзини қандай тутарди?

— Ўйда нотўғри иш қилсақ ҳам овозини баладлатган эмаслар. Бирон хатомизни кўрсалар ҳам секингина, чиройли қилиб тушунтириб кўяр эдилар. Машинада кетаётганда, йўлда маҳалладошларини кўриб қолсалар, кўлини кўксига қўйиб салом бериб утардилар. Кекса отахонларни кўрсалар, албатта, машинадан тушиб, сурашиб кетардилар. Хайр-саховат қилишни яхши кўрардилар. Бир гал онам, яъни уларнинг қайноналари узум мўл бўлди-ю, исроф бўлаяпти, сотолмаймиз, деганларидан эртасигаёқ

— У киши учун ҳақиқий бойлик нима эди?

— Фарзандлари, кўшиқлари ва қалбидagi меҳр-оқибат уларнинг ҳақиқий бойлиги эди. Фарзандларига шу қадар эътиборли эди-

розилик билдиргандай бўлдим. Шунда у киши: "Елғиз аёллар ҳам кўп экан, кўшиқни эшитиб, йиғлаганлар кўп бўлди, айтишимни талаб қилишяпти", деб ўзларини оқлагандай бўлган эдилар. Аммо бундай айрилиқ бизнинг ҳам бошимизга тушишини ким билибди дейсиз? Улар одамлар учун кўшиқ яратардилар.

— У киши учун ҳақиқий бойлик нима эди?

— Фарзандлари, кўшиқлари ва қалбидagi меҳр-оқибат уларнинг ҳақиқий бойлиги эди. Фарзандларига шу қадар эътиборли эди-

Аммо... санъаткорнинг хотини бўлиш осонмас. Айниқса, машхурларнинг аёли бўлиш. Ҳамиша, ҳамма ерда кўпчилик эътиборида бўласан, фарзандларингга ҳам тўғри тарбия беришинг керак. Онам болаларимни кучоғига олиб ўтирардилар. "Биринчи навбатда Охунжон боланинг ҳамма юмушларини бажариб, чиройли кийинтириб, кузатиб қўйинг. Кейин болаларга, бошқа ишларга қарайсиз", дердилар. Санъаткорнинг аёли сабрли бўлиши керак, жудаям сабрли!

— Оддий Охунжоннинг аёли бўлиши яхшими ёки машхур Охунжоннинг рафиқаси бўлиши?

— Машхурлик ҳам ҳаммага насиб қилмайди. Лекин бу киши машхур бўлса ҳам аслида оддий инсон эдилар. Шунинг учун ҳам ханузгача ҳовлимиздан одам аримайди. Унуттишмаган, унуттишмайди ҳам.

— Янги яратган кўшиқларини биринчи кимга айтиб берадилар?

— Онамага айтиб берадилар, биз ҳам бирга эшитардик. Онам дуо қилардилар. Ҳатто, тўйларга кетётганларидан ҳам онам бизга ҳам кўшиқ айтиб бериб кетгин десалар, ҳовлини айланиб юриб кўшиқ айттардилар ва "Онаминг дуоси мени асрайди" номли кўшиқларидан: "Бир кун гўзаллар қаргайди мени, Қаровсиз муҳаббат учун қаргайди. Мен пинак бузмайман, ҳадиқ тортмайман, Онаминг дуоси мени асрайди" — деганларидек, онаминг дуосини олиб кетардилар.

— Маҳалладошларига муносабати қандай эди?

— Нафақат маҳалла, Олтиариқдан тўйга айтишса бас, бир сўйларини олмасдан тўйларини ўтказиб берадилар. Қўлларидан келгунча ёрдамини аямасдилар.

— Фарзандларига ҳофизнинг қандай хислатларини ўтган?

— Болаларимизда жуфти ҳалопимнинг оғир босқилиги, саҳийлигини кўраман. Қиличбек ва Санжарбек ўғилларим отасининг йўлидан бораёпти. Катта неварам Бунёдбек санъат коллежининг аънавий хонандалик йўналишида ўқияпти. Катта оламнинг ўғли, жияминис Нодирбек Холбоев ҳам кўшиқчи бўлиб, элга танилаётти.

— Ҳаётдан олган сабоқларингиз.

— Инсон шукр ва сабр билан яшши керак. Оғир қунарларга ҳам, қувончли қунарларга ҳам шукрона билан яшаш керак. Биз оғизга яшасак ҳам яхши, бахтли ва ҳатто гўзал яшардик. Хато қилдим, деган афсусларим йўқ.

— Республиканинг турли вилоятларида кекса ёшлар хонандоидеги яхши кунларга таклиф қилиб келиб, уйимизда ҳафтада ётишарди, дедингиз. Шундай вақтларда турмуш ўртоғингиз сизни қизганиб, муаммо чиқармасидилар?

— Йўқ, уйда катталар, яқинларимиз кўпчилик эди-да. Шунинг учун кўнглимни хотиржам бўлардик. Аммо чиройли кийинсам, ўзимга оро берсам қизғонардилар. Бусиз илож йўқ-ку. Аммо доимо бир-биримизни соғиниб яшагандан кейин бу нарсаларни ўрин қолмасди. Улар эл хизматидан, мен болаларим, ота-онам хизматидан бўлардим.

— Мени қайнона-қайнотамизни ота-онам деб аташингиз ажаблантиряпти.

— Мен уларни бошқача атай олмаيمان, қайнона-қайнотам, қайнонам деган ата-малар мен учун бегона. Бу инсонлар мен учун жуда азиз. Тўйимдан кейинқоқ бу хонандоидеги ҳаммиша яхши кўриб қолганман. Янги келинлигимда ўзи уйимга борсам ҳам дарров бу ёққа қайтгим келарди.

— Санъаткорнинг аёли бўлиш осонми?

— Кўнчага чиқсанг, бозорларга борсанг, баъзи хонандоларда, сахналарда кўшиқларини эшитиб фахрланасан киши, тақдирланганида қувончнинг ичинга сиймайди. Хурсандчилигига шерик бўласан. Бу томонлари жудаям яхши. Аммо кўпична жуфти ҳалопинг оила даврасида, фарзандларинг ёнида бирга бўлмайди. Бежавотир, бемалол яшай олмайсан. Ҳамиша соғиниб яшайсан. Бундай ҳаётга кўниб яшаш осонмас. Бир кун бир санъаткорнинг онаси: "Ҳабибахон, сизни жуда сабрлиқиз. Келишим ўғлим хизматдан келиши билан кўйлагини ҳидлайди бу кимнинг атирининг хиди деб, ҳар кун жанжал қилади, онасиникига кетиб қолар-верди. Сизнинг бирон марта жанжаллашиб кетганингизни эшитмадик", деди.

— Санъаткорнинг аёли бўлиш осонми?

— Кўнчага чиқсанг, бозорларга борсанг, баъзи хонандоларда, сахналарда кўшиқларини эшитиб фахрланасан киши, тақдирланганида қувончнинг ичинга сиймайди. Хурсандчилигига шерик бўласан. Бу томонлари жудаям яхши. Аммо кўпична жуфти ҳалопинг оила даврасида, фарзандларинг ёнида бирга бўлмайди. Бежавотир, бемалол яшай олмайсан. Ҳамиша соғиниб яшайсан. Бундай ҳаётга кўниб яшаш осонмас. Бир кун бир санъаткорнинг онаси: "Ҳабибахон, сизни жуда сабрлиқиз. Келишим ўғлим хизматдан келиши билан кўйлагини ҳидлайди бу кимнинг атирининг хиди деб, ҳар кун жанжал қилади, онасиникига кетиб қолар-верди. Сизнинг бирон марта жанжаллашиб кетганингизни эшитмадик", деди.

— Санъаткорнинг аёли бўлиш осонми?

— Кўнчага чиқсанг, бозорларга борсанг, баъзи хонандоларда, сахналарда кўшиқларини эшитиб фахрланасан киши, тақдирланганида қувончнинг ичинга сиймайди. Хурсандчилигига шерик бўласан. Бу томонлари жудаям яхши. Аммо кўпична жуфти ҳалопинг оила даврасида, фарзандларинг ёнида бирга бўлмайди. Бежавотир, бемалол яшай олмайсан. Ҳамиша соғиниб яшайсан. Бундай ҳаётга кўниб яшаш осонмас. Бир кун бир санъаткорнинг онаси: "Ҳабибахон, сизни жуда сабрлиқиз. Келишим ўғлим хизматдан келиши билан кўйлагини ҳидлайди бу кимнинг атирининг хиди деб, ҳар кун жанжал қилади, онасиникига кетиб қолар-верди. Сизнинг бирон марта жанжаллашиб кетганингизни эшитмадик", деди.

— Санъаткорнинг аёли бўлиш осонми?

— Кўнчага чиқсанг, бозорларга борсанг, баъзи хонандоларда, сахналарда кўшиқларини эшитиб фахрланасан киши, тақдирланганида қувончнинг ичинга сиймайди. Хурсандчилигига шерик бўласан. Бу томонлари жудаям яхши. Аммо кўпична жуфти ҳалопинг оила даврасида, фарзандларинг ёнида бирга бўлмайди. Бежавотир, бемалол яшай олмайсан. Ҳамиша соғиниб яшайсан. Бундай ҳаётга кўниб яшаш осонмас. Бир кун бир санъаткорнинг онаси: "Ҳабибахон, сизни жуда сабрлиқиз. Келишим ўғлим хизматдан келиши билан кўйлагини ҳидлайди бу кимнинг атирининг хиди деб, ҳар кун жанжал қилади, онасиникига кетиб қолар-верди. Сизнинг бирон марта жанжаллашиб кетганингизни эшитмадик", деди.

— Санъаткорнинг аёли бўлиш осонми?

— Кўнчага чиқсанг, бозорларга борсанг, баъзи хонандоларда, сахналарда кўшиқларини эшитиб фахрланасан киши, тақдирланганида қувончнинг ичинга сиймайди. Хурсандчилигига шерик бўласан. Бу томонлари жудаям яхши. Аммо кўпична жуфти ҳалопинг оила даврасида, фарзандларинг ёнида бирга бўлмайди. Бежавотир, бемалол яшай олмайсан. Ҳамиша соғиниб яшайсан. Бундай ҳаётга кўниб яшаш осонмас. Бир кун бир санъаткорнинг онаси: "Ҳабибахон, сизни жуда сабрлиқиз. Келишим ўғлим хизматдан келиши билан кўйлагини ҳидлайди бу кимнинг атирининг хиди деб, ҳар кун жанжал қилади, онасиникига кетиб қолар-верди. Сизнинг бирон марта жанжаллашиб кетганингизни эшитмадик", деди.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ
Тахрир хайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва ҳаллар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган
info@adolatg.uz
adolatg-95@mail.ru
ISSN 2091-5212
9 772091 521004

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 600

Адади — 1448
Босишга тоширилди вақти — 21.00
Босишга келишилган нархда
Тахририятга келган қўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган тақшилот жавобгар.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манли: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.